



## ДИНДОРЛАРНИ ҚАНДАЙ ТЕРГОВ ҚИЛАДИЛАР?

Ҳамма диктаторлар китоблардан қўрққан. Бундан Каримов диктатураси ҳам мустасно эмас, албатта. Ва шуни комил ишонч билан таъкидлаш мумкинки, китоблардан қўрқиш борасида Каримов режимига ҳеч бир режим балки тенг келолмас.

Сиз бирор китобни ўқиганингиз учун тепки есангиз, қандай бўлади? Ёки бирор диний маърузани тинглаб қамалиб кетишга иштахангиз қалай?

Сизни уришлари, кўзингизни кўкартиришлари, авлод-аждодингизни аямай бўралаб сўкишлари ҳақида нима деб фикр билдирасиз? Шахсингизни таҳқирласалар, кўнасизми? Тепишса, кетим муборак оёғингизга тегиб кетди, узр, деб кетаверасизми?

Бугун Ўзбекистон аҳли, нима учундир, бу каби зулмга кўникиб кетгандек туюлади менга. Ёнингизда ҳар куни сиз билан бир товоқдан ош еб юрган одамингизни кишанлаб олиб кетишса, қўрқиб кетасиз. Уни ҳимоя қилишни уйламайсиз. Ҳимоя қилсам, бошим балога қолади деб қўрқасиз. Яъни сиз айбисиз бўлатуриб тўхматга қолсангиз, бу тўхматдан қутула олмаслигингизни яхши биласиз. Шунинг учун ҳеч қачон қамалган кўшингизни ҳимоя қилиб маҳкамага бормайсиз.

Тошкент шаҳридаги масжидлардан бирида фаолият юритадиган имомлардан бири ҳикоя қилади:

“Уйимизни нима учун тинтув қилганларини билмайман. Аммо шу нарса аниқки, эски компьютерим

ичидан Тақиюддин Набахонийнинг “Ислом икки ўт орасида” деган китоби топилган. Худо ҳаққи, бу китобни қачон ва нима учун интернетдан кўчириб олганим эсимда йўқ. Шунчаки, ўқимасам ҳам китоб йиғиш касалим бор. Бу ҳам шунинг меваси бўлиши керак.

Уша китобни экстремистик руҳдаги деб мени терговга чақиришди. Мен имомман, Оллоҳ бир қадар илм берган. Ибодатларимни қилиб, вазифамни бажариб юрибман. Доимо ҳурмат ва эҳтиром кўриб келаман. Бироқ терговда менинг илмимга ҳам, ҳурматимга тупуришди. Умримда эшитмаган сўкишларни эшитдим. Одам боласини шундай қилиб сўкиш мумкинлигини хаёлимга ҳам келтиролмас эдим агар мени шундай таҳқирламаганларида. Аммо бугун инсон инсонни шу қадар хорлашига ишонаман.

Менга бу китобларни қаердан олдинг деб савол беришди. Ватан хоинига чиқаришди. Дамим ичимга тушиб кетди. Охири терговчи буни олиб бориб подвалда ур, туй, суюгини синдир, бўйнига олмаяпти деди. Мен нимани бўйнимга олишим керак? Тинчгиңа ўз ишим билан машғулман-ку! Йўқ нарсани қандай қилиб бўйнимга оламан?!

Амр олган одам бўйнимдан ушлаб силтаб тургазди, кетимга тепди ва хонадан олиб чиқди. То подвалга тушганимга қадар тепиб, сўкиб борди. Подвалга тушдик. Эшикни қулфлади ва деди: “Сизни уришим керак. Лекин имом одам экансиз. Илмингиз бор. Келинг, сизни урмай қўяқолай. Тўғриси айтинг, бу

китобни ким берган? Устозингиз ким?”

Мен нима дейишни билмайман... Йўқ устозни қандай айтаман? Бу борада менга биров устозлик қилмаган-ку!

Икки хотиним, тўққиз болам бор. Улар кўз олдимга келади. Хотиним ва болаларим менинг калтакланишим, таҳқирланишимни кўрсалар, нима бўлади деб ўйлайман. Тинимсиз оятал курсийни ўқийман, истиффор келтираман. Гуноҳларимга тавба қиламан.

Уч кун эрталаб саккиздан тун ўн иккига қадар сўроқ бердим. Оллоҳ

меҳрибон, Ўзи ёрдам берди – ҳеч нарсани бўйнимга олмадим, зотан, улар гумон қилаётган соҳада ҳеч қандай айбим йўқ эди.

Уларнинг ўқтириши шу бўлдики, компьютерда ҳеч қандай диний китоб, диний маъруза, видео, кинолар сақлаш мумкин эмас. Кўча-кўйда, уйда диний мавзуда ҳеч кимга гапиришим мумкин эмас. Ҳар қандай диний саволга фақат масжидга бориб жавоб беришим мумкин экан. Мен имом бўлсам, масжидда имом эканман ва бошқа жойда оддий одамман экан. Агар диний мавзуда масжиддан ташқари жойда маъруза қилсам, қонунга мувофиқ жавобгар бўламан экан...

Мен аҳмоқман, йўқса компьютеримга шунақа китобни ташлаб сақларимдим!

Улар айтишдики, интернетдан диний мавзуда бирор маъруза, бирор фильм кўчириб олиш мумкин эмас, акс ҳолда муаллифлик ҳуқуқи топталган ҳисобланаркан ва шу хусусда жиноий жавобгарликка тортиларканман. Фақатгина ҳукумат голограмма билан чиқарган маърузаларни дискдан тинглаш мумкин, аммо компьютерга кўчириш мумкин эмас. Муаллифлик ҳуқуқи бузилар экан!”

Бу воқеа реал воқелик, имомнинг исм-шарифи, у ишлайдиган масжид ва уни тергов қилган терговчи исм-шарифини бера олмаймиз, чунки бу у кишининг ҳаётига таҳдид туғдиради. Ўзбекистонда диндорларни сўроқ қилишнинг энг оддий услуби шундай. Қолганлари ҳақида эса ёзишга тил бормайди...

**Абдуллоҳ Нусрат**

## «GM Uzbekistan» бошқа қўлга ўтмоқда

Ўзбекистонда энг олий ҳукумат изни билан ягона монополист переференцияси берилган «General Motors» устамаларига бошқа «ўғрибоши» эгалик қилиши режаланган кўринади.

GM Uzbekistan автомобил ширкати Бош директори Тохиржон Жалилов товламачилик йўли билан 200 миллион долларни ўзлаштирганликда айбланиб ўтган ҳафта қамоққа олинди.

Eltuz.com мухбирига сиздирилган маълумотда айтилишича, 46 яшар Тохиржон Жалилов МХХ нинг махсус гуруҳи тарафидан ҳибсга олиниб Гвардейский кўчаси деб аталадиган мавзедаги МХХ ертўласига жойлаштирилиб тергов қилинмоқда.

### Пул ўзлаштириш схемаси

2010 йилдан бери ўзбек автоконцернини бошқараётган ва айти пайтда «Ўзавтосаноат» ҳиссдорлик ширкати бошқарув раиси ўринбосари бўлган Жалилов «Россияга жўнатилган автомобилларни криминал схема асосида сотиб пулини ўзлаштириш» да айбланмоқда.

Бусхема асосида «ўзлаштирилган пуллар оффшор ҳудудлардаги чўнтаклар»га тушганлиги Eltuz.com мухбирига сиздирилган маълумотда иддао қилинади.

GM Uzbekistan автомобил ширкатида ишловчи муҳандис Eltuz.com мухбири билан тармоқда ёзишиб, Жалилов дохил яна бир нечта киши ҳибсга олинганлигини тасдиқлади. Муҳандисга кўра, гап «Россияга экспорт қилиниши лозим бўлган Ravon русумли машиналар билан боғлиқ криминал схема ҳақида кетмоқда.

Машиналар Россияга «гўёки» экспорт қилинади. Аслида бу машиналар Тошкентдан бир неча километр наридаги Қоплонбек постига яқин жойда, яъни Қозоғистондаги махсус жойда сақлаб турилади.

Машиналар фиктив тарзда Россияда «сотилганидан» кейин улар яна Ўзбекистонга қайтиб кириб мамлакат фуқароларига қайта сотилади, дея иддао қилган GM Uzbekistan муҳандисига кўра, «навар 500 миллион АҚШ доллари» дан кам эмас.

### Пул эгаларининг тахт учун кураши

Eltuz.com мухбирининг



## «GM Uzbekistan» бош директори қамоққа олинган

ўрганишича, бу масала 26 апрел куни Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашув пайтида ҳам кун тартибининг матбуотга очикланмаган қисмида бўлган.

Яна аниқланишича, Жалиловнинг ҳибсга олиншига сабаб бўлган автомобил ишлаб чиқариш соҳасига оид компроматлар Ўзбекистон молия вазири Рустам Азимовга қарши гуруҳнинг ишидир.

Азимов муҳтамал ворис, яъни Ўзбекистоннинг «эртанги президенти» бўлиши ҳақидаги гап-сўзлар ортидан Азимовга қарши ахборот уруши нишонлари кўрина бошлади.

Eltuz.com мухбири, ўз тасарруфидаги маълумот иддаолар асосида «Рустам Азимов гуруҳи ўзларига қаратилган ҳужум стрелкасини Бош вазир ўринбосари Улуғбек Рўзикуловга қарши йўналтирди» деган хулосага келди.

Маълум бўлишича автосаноат учун маъсул бўлган Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари Улуғбек Рўзикулов «гуноҳ эчкиси» сифатида қурбонликка ҳозирланмоқда.

Улуғбек Рўзикулов, президент Қаримовнинг 2012 йилги қарори билан Бош вазир ўринбосари, айти пайтда «Ўзавтосаноат» АК бошқарув раиси, Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси раҳбари этиб тайинланган эди.

«Ҳар холда ўтган жума куни Рўзикулов ўз вазифасидан истеъфо бериш ҳақида аризани ёзди» деб такидлади Eltuz.com манбаси.

### Ўзбеклар учун жамлоққа йиғилган машиналар

Манбанинг ишонишича, Асакадаги GM Uzbekistan автомобиль заводи ҳамда Тошкентдаги General Motors Powertrain Uzbekistan заводи «ҳокимият ва кўча ўғрилари» тарафидан бошқарилмоқда.

Ўзбекистон автомобил саноатининг бир йиллик савдо айланмаси 2015 йилда 4 миллиард долларни ташкил этди.

«Ўзавтосаноат» ҳиссдорлик жамияти таркибиди бугунги кунда 70дан ортиқ корхона фаолият юритаётир. Улар орасида «GM Uzbekistan», Самарқанд автомобил заводи, «JV MAN Auto — Uzbekistan» автомобил заводи бор.

Бу – «GM Uzbekistan» машиналарига ортиқча имтиёзлар бериб, Ўзбекистон ичида унинг мутлақо рақобатсиз даражада ички бозорда белгиланган нархларда сотилишида, айти пайтда четдан келтириладиган машиналарнинг ўта юқори даражада бож солиқларига тортилишида кўринади.

Айти пайтда, ташқи бозорда машиналар нархи жуда паст, «кўча эгалари» уни ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдор.

Eltuz.comнинг Чимкентдаги ҳамкори ўзбек ҳаридорлари учун, экспортга чиқарилган машиналар сақланаётган «отстойник» (жамлоқ) ни бориб кўрди.

Ҳамкоримизга кўра, жамлоқда камида ўн мингдан зиёд «Ravon» автомобиллари турибди.

Абдуҷамил Дўстмуҳаммад  
Манба: Eltuz.com

Амалдаги ҳукумат бош қаруви нинг миясида қандай ўй бор, билмайману, оёққа турганимдан бери ваҳима касаллари хуруж қилиб – шайтонлаб қолган.

Нима бўлса-да мен истиқомат қилаётган уйни тинтув қилиш илинжида минг бир баҳонани ўйлаб топишади.

2016 йилнинг 30 март кунини “Суд ижрочилар”



одамларнинг уйига бош сукаверасанми?” дейишим мумкин эди. Бирок, бунингдек эътирозларимга жавобни элдан бурун эшитиб олганлигим сабаб ҳам чурқ этмадим, қаршилик қилмадим.

И.Умров уйга кирди. Кирди-ю:

— Бу аёл ким? – деб сўради.

Уйимга ярим соатлар аввал Сурхондарё вилоятининг Музробот

## “Ўйингизга уч аёлни жонига қасд қилган хавфли жиноятчини яширган бўлишингиз мумкин...”

ниқоби остида мен яшаётган хонадонга бостириб кириб орг. техникларимга чанг солишганди.

Бундан ҳам бирор бир иш чиқмади чамаси, кунини кеча эшик тақиллаб қолди. Қарасам, ИИБ формасидаги нотаниш одам турибди.

-Хизмат?, — дедим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

— Биз паспортларни текшириб юрибмиз. Бу уйда кимлар яшайди, қаерда пропискада туришади, аниқлик киритишимиз керак. Паспортигингизни беринг? – деди.

— ОВИРда, афсуски нухаси ҳам йўқ эди, — дея ўзимни таништирдим.

“Доимий пропискада қаерда турасиз? Бу ерда кимлар билан яшайсиз? Ойлангиз борми? Қаерда ишлайсиз? Ишламасангиз ниманинг ҳисобига яшайсиз?...” каби адоғсиз саволларига берган жавобларимни ҳафсала билан ёзиб олгач:

-Ўйингизни кўздан кечиришим керак, — деди-да қоғозлари орасидан униқиб кетган, ўта хира, бош қисми ён томонидан олинган, таниб бўлмайдиган эркак кишининг суратини кўрсатди, — Мана бу шахсни танийсизми?

— Таниб бўлмайди-ку? Танимайман? Нима эди?

— Бу ўта ашаддий жиноятчи. Уч нафар аёлни шафқатсизларча ўлдирган. Қотиллик жиноятини содир этиб, қочиб қолган. Жиноятчини қидирмоқдамиз. Эҳтимол, у сизнинг уйингизга яшринган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабаб уйингизни кўздан кечиришим керак, -деди ўзини Тошкент шаҳар

Ички ишлар бошқармаси ходими Илғор Умаров деб таништирган милиция формасидаги шахс.

Унинг сўзларидан фиғоним фалакка чиқиб кетди.

— Бу нима деганингиз? Жиноятчи, қотил мен яшаётган уйда нима қилади? Мен журналист бўлишим мумкин, муҳолифатчи бўлишим мумкин, инсон ҳуқуқлари фаоли бўлишим мумкин. Лекин қотиллар билан шерикчилик жойим йўқ. Мен ҳукуматдан қонунийликни талаб қиламан. Ўзим ҳам қонунга амал қиламан. Манзилда адашдингиз...

— Ихтиёрингиз, уйни кўздан кечиришга қаршилик қилсангиз “наряд” чақираман. Участка ноziри, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, “Домком” гувоҳлигида қаршилик кўрсатаётганлигингиз ҳақида “АКТ” тузиб, мажбурий тарзда улар иштирокида уйни кўздан кечирамиз. Ким билсин, балки уйингизда жиноятчи борлиги сабаб ҳам кўздан кечиришимга қаршилик қилаётгандирсиз? Хавотирингиз нимадан? Сизга қай бири маъқул, гувоҳлар иштирокида кўрганимми, ёки ўзим кўздан кечирганимми? Истасангиз, ҳозир кўнғироқ қилишим мумкин...., — Тошкент шаҳар ИИБ ходими Илғор Умаров чўнтагидан мобил телефонини олди.

Унинг гапларини эшитгач, азборойи ғазабланганимдан кўзларимдан ўт чиқиб кетди. Зарб билан эшикни очдим:

-Киринг!

Йўқ, мен ИИБ ходимидан “Уйимда тинтув ўтказишга ордеринг борми? Сангциясиз ҳам

туманидан ҳуқуқлари топталган, ери ҳоким томонидан ноҳақ тортиб олинган фермер аёл – Дилором Зайниева арз-ҳол қилиб келганди. Улардан интервью олаётган эдим.

-Сурхондарёдан. Бугун Олий судга, қабулга келганлар, — дедим.

ИИБходими Дилоромнинг паспортини сўради, олгач, диққат билан кўз юғартирди-да чўнтагига солди:

-Дилором опа, “землячка” экансиз. Мен ҳам Шерободданман. Паспортигингизни мен олиб кетишим керак. Сизнинг шахсингизни аниқлагач, паспортигингизни компютердан текшириб кўргач, муаммолар бўлмаса, қайтариб бераман, — деди-да меҳмонининг паспортини чўнтагига солди. Кейин ҳожатхона – ванна, зал, ошхона, ётоқларни кўздан кечирди. Дераза пардаларини кўтариб, ташқарига синчиклади. “Балкон”га чиқиб, бир зум сerratийиб турди-да қайтиб кириб, компьютер столининг ғаладонига қўл чўзди.

-Қотилликка қўл урган жиноятчи стол ғаладонига сизмаса керак? – киноя қилдим, — одам қидираяпсизми, игнами?

“Қидирув” ишлари ярим соатча давом этди, кейин кетди. Бу пайтда соат 11.00 лар эди. Кейин биз Сурхондарёлик фермер Дилором Зайниевага “земляк” бўлган Илғор Умаровни қидириб у ўтирган кабинетга равона бўлдик.

Сурхондарёлик фермерни савол-сўроққа тутиб, ҳеч бир сабабсиз соат 16.00 га қадар ушлаб ўтиришди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Паспорти қўлида, шахси аниқ аёлнинг “Шахсини аниқлаш” мақсадида асабларини роса арралашди...

Шу кун “дом” ҳовлисига кечки “прогулка”га чиққан қўшнилардан “ИИБ ходими қандайдир қотилни сизларнинг уйларингиздан ҳам қидиришдими?”деб сўрадим.

ИИБ ходими биргина мен истиқомат қилаётган уйдан ташқари бирорта бир фуқаронинг эшигига бош сукмаганини билардим, билсам-да, гумонимни тасдиқлаб олиш учун атай сўрагандим. Шубҳаларим тасдиқланди.

Буни қарангки, Тошкнет шаҳар ИИБ ходими Илғор Умаров мени уч аёлни шафқатсизларча ўлдирган ашаддий жиноятчи билан шерикликда гумонлаб биргина камина яшаётган уйни тинтув қилган экан....

Ҳарчанд уринмай, амалдаги ҳукумат, қонун идоралари корчолонлари Тошкент шаҳар ИИБ ходими И. Умаровни менинг уйимга “командировка” қилишларининг асл моҳияти нимада эканлигини ҳали ҳамон англолмай ҳалакман....

Ниҳоятда катта куч, энгиб бўлмас қудратман шекилли, (бундан ўзим беҳабар), амалдаги ҳукумат юрт тақдири, халқ гами, дунё ташвишлари қолиб, менгина билан кураш-ла овора-ю сарсон....

Ортимдан махсу хизматларнинг қанча ходимлари халак.... Қанча одамнинг оиласи менинг ортимдан рискли бўлаётганидан мамнунман... Шунча шаввозларнинг рўзгорини тебратишларига асос бўлаётганлигим боис, аслида, менга ҳам маош ажратишлари керак эмасмикин?

Йўқ, мен тушунмайман, амалдаги ҳукумат мендан нима истайди, уйимдан, компютеримдан нима излайди?

Ахир мен журналистман. Ҳеч кимдан, ҳукуматдан ҳам яширадиган сирим йўқ. Нимаики бўлмасин, кўнглимдан қандай ўй ўтмасин, ипидан-игнаси гача довур Бахтиёр Ҳасан айтганларидек интернетда “валтираганим-валдираган”....

Мендан ҳадиксираш керак эмас, мамлакатни иқтисодий инқирозга рўпару қилган коррупционерлардан – порахўр корчолонлардан кўпроқ кўрқиб керак эмасми?...

**Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА**  
мустақил журналист, ҳуқуқ фаоли



## Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳақоратловчи филм продюсери Ислонни қабул қилган

Саудия Арабистонига тегишли «Okaz Online» газетасининг хабарига кўра, Голландиянинг озодлик партиясининг собиқ аъзоси Арно Ван Доорн Ислон динини қабул қилган. Эслатиб ўтиш жоизки, Ислонга келгунга қадар у Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)ни ҳақоратловчи филмни суратга олишда ўзининг самарали ҳиссасини қўшган. Шунингдек газета Ван Доорнни Ислоннинг икки муборак шаҳри, Макка ва Мадинага ташриф буюрганини ҳам таъкидлайди.

Ван Доорнни Мадинадаги Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг масжидларига ташрифи пайтида ҳамроҳлик қилган газета мухбирининг сўзларига кўра, пайғамбаримиз қабрлари олдида Ван Доорн йиғлаб юборган.

Газетада Ван Доорннинг шу сўзлари келтирилган: “Мен Ислон динига нисбатан энг радикал ва душман партияга мансуб эдим. Пайғамбарни ҳақоратловчи филмнинг намоёишига қарши мусулмонларнинг муносабатини кўрганимдан сўнг, мен мусулмонларнинг ўз динлари ва Пайғамбарларига бўлган муҳаббат сабабини англаш учун Ислон дини ҳақидаги чин ҳақиқатни излай бошладим”.

Шунингдек у, изланиш жараёда унинг собиқ партияси Пайғамбаримиз (с.а.в)га нисбатан катта бир гуноҳга йўл қўйганлигини тушуниб етганлигини, ҳамда Ислон дини уни ўзига жалб қила бошлаганини айтган. У Ислонни янада чуқурроқ ўрганишда давом этиб, Ислон динини қабул қилгунга қадар, Голландия мусулмонлари билан дўстлашган.

Ўзининг Макка ва Мадинага қилган сафари давомида Ван Доорн шунингдек Уҳуд тоғига ташриф буюрган ва у шундай дейди: “Бу ер ҳақида ва бу ерда бўлган жанг ҳақида кўп маротаба ўқидим, ва бугун шу тоғда турганимдан хурсандман. Бу тоғда туриб ҳис қилаётган туйғум, у ҳақда ўқишимдан кўра бир неча баробар гўзалроқдир”.

Таъкидлаш жоизки, Ван Доорн Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг масжидлари ва шунингдек Кубо масжиди имомлари билан учрашган.

“Мадина билан хайрлашиш жуда ҳам ғамгин ҳолат, лекин Маккага кетаётганим кўнглимга тасалли беради. Тез орада мен бу муқаддас ва пок гўшаларга яна қайтаман”.

islam-today.ru

Таниқли хонанда ва бастакор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Каримнинг унвонлари Ўзбекистон Бош вазири талаби билан бекор қилинди. Бунга кўшиқчининг Туркия ватандошлигини олгани сабаб қилиб кўрсатилди. Артистнинг турк фуқаролигига ўтгани Ўзбекистон маданият ва спорт вазирлигида ҳам муҳокама қилинган.

байрам дастурининг репетициясига бормагани учун жазоланди. Кейин Иззат ўртага казо-казоларни қўйиб, ялиниб-ёлвориб унвонини қайтариб олган эди,- дея эслайди суҳбатдош.

#### «Ўзбекнаво» сукутда

Озодлик муҳбири бу борада изоҳ сўраб, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига қўнғироқ килди.

ҳам Лола Йўлдошевани ҳам кўрмаймиз, Шерали Жўраевнинг икки ашулачи ўғли исми ҳам кўринмайди.

Рўйхатда Ортиқ Отажоновнинг ўғли Улуғбек Отажонов ҳам йўқ. Лекин Юлдуз Усмонованинг қизи Нилуфар Усмонованинг исми бу рўйхатга санъаткор билан вазирлик ўртасидаги муроса тимсоли ўлароқ қўйилгандек туюлади.

## АБДУЛАЗИЗ КАРИМ «ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» УНВОНИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ

**Бош вазир кўшиқчига қарши**  
Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасидаги йиғилишда сўзга чиққан Бош вазир Шавкат Мирзиёев Туркия ватандошлигини олган кўшиқчи Абдулазиз Каримни «ватан хоини» деб атаб, уни барча унвонлардан мосуво қилинганлигини айтган.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон маданият ва спорт вазирлиги ходимлари ва санъаткорлар иштирок этган бу мажлисда қатнашган тошкентлик кўшиқчи исми айтилмаслиги шарти билан Озодликка айрим тафсилотларни айтиб берди:

— Икки ҳафтача олдин Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Мажлисда шахсан Шавкат Миромонович қатнашди. Мажлис бошида ҳар хил мавзуларга тегиб ўтилди. Охирида асосий мавзу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим ҳақида бўлди. Абдулазиз Карим Туркия фуқаролигини олгани бўйича жуда катта норозиликлар билдиришди. Уни ҳаттоки «ватан хоини» даражасига чиқариб қўйишди. «Туркиянинг Бош вазирига эътироз билдираммиз. Нега бизнинг унвони бор санъаткоримизни фуқароликка қабул қилади», деган ҳар хил гаплар ҳам бўлиб ўтди. Абдулазиз Карим 2000 йилда олган Ниҳол мукофоти ва 2003 йилда олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари шахсан Мирзиёев томонидан олиб ташланди, - дейди суҳбатдошимиз.

Манбанинг айтишича, Бош вазир томонидан кўшиқчиларнинг «погонини юлиш» тадбири биринчи марта бўлаётгани йўқ:

— 2010 йилда Шавкат Мирзиёев «Хўжа» гуруҳи солисти Иззат Ибрагимовнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган унвонини олиб қўйган эди. Иззат Мустақиллик

Ўзини Маъруфжон деб таништирган мулозим бу маълумотни изоҳлай олмаслигини айтиб, гўшакни илиб қўйди.

Озодликка маълум бўлишича, Абдулазиз Каримнинг Туркия ватандошлигини олгани Ўзбекистон маданият ва спорт вазирлигида ҳам муҳокама қилинган.

Бу мажлисдан кейин «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Туркияга кетаётган хонандаларга талабларни кучайтирган. Эндиликда Туркияга бормоқчи бўлган хонандалар ҳам тегишли идоралардан рухсат олиши лозим. Ушбу тартибнинг жорий қилиниши ўзбекистонлик хонанда Абдулазиз Каримга Туркия фуқаролиги берилганидан пайдо бўлган хавотирлар ўлароқ изоҳланмоқда.

#### Исталмаган артистлар

Маданият ва спорт вазирлиги эълон қилган Ўзбекистон халқ артистлари рўйхатидан ҳукумат артистларни исталган ва исталмаганларга ажратганини сезиш мумкин.

Ушбу рўйхатдан Шерали Жўраев, Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Ортиқ Отажонов ва Бобомурод Ҳамдамов каби халқ артистлари ҳам тушириб қолдирилган.

Вазирлик сайтидаги рўйхатнинг халқ артистлари бўлимида фақат 10 нафар артистнинг номини кўраммиз. Гулсанам Мамазоитова билан бошланадиган бу рўйхатга Зулайхо Бойхонова, Маҳмуд Намозов, Муножот Йўлчиева, Насиба Абдуллаева, Озодбек Назарбеков, Ўқтам Ахмедов исмлари тиркалган.

Фахрли рўйхат сўнгида Ғулумжон Ёқубов исми турибди. Сўз усталари бўлимида қизиқчи Мирза Ҳолмадов бору лекин Обид Асомов йўқ.

Рўйхатнинг хонандалар бўлимида Феруза Жуманиёзовани

Бу рўйхатнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар бўлимида Абдулазиз Каримнинг исми йўқ.

Ўзбек бош вазири ғазабига учраган ҳофизни турк бош вазир сийлади

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим жорий йилнинг 29 март куни шахсан Туркия бош вазири Аҳмад Довудўғлидан мактуб олган эди.

Мактубда Абдулазиз Каримга «истисно тариқасида» Туркия ватандошлиги (бу мамлакатда «фуқаро» сўзи ўрнига «ватандош» сўзи қўлланилади) берилгани маълум қилинган эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим кўшиқлари Ўзбекистонда тақиқлаб қўйилиши ортидан 2015 йил май ойида Туркияга чиқиб кетганди.

Озодлик билан илгари қилган суҳбатида Абдулазиз Карим Ўзбекистонда Давлат телевидениеси, «Ўзбекнаво», Маданият вазирлигидаги баъзи мулозимлар кўшиқчилар олдига тўсиқлар қўйиш билан шуғулланишини айтган эди.

Абдулазиз Карим 90-йилларда «Қурбон бўламан» кўшиғи билан Ўзбекистонда энг таниқли хонандалардан бирига айланди.

Кейинчалик Абдулазиз Каримнинг Яссавий ғазалларига басталаган куйлари халқ орасида шуҳрат топди.

У барча кўшиқларини ўзи басталаган санокли ҳофизлардан ҳисобланади.

Ўтган йил охирида бастакор-ижрочи таниқли ўзбек шоири ва мухолифат арбоби Муҳаммад Солиҳнинг «Ғариб дарахт», «Ойдинга» каби олти шеърини кўшиқ қилиб қуйлаган эди.

Манба: «Озодлик» радиоси



## Тарихни унутишга маҳқум этилган халқ

Бугун тарихини унутишга маҳқум қилинган миллатлардан бири, шубҳасиз, ўзбек халқидир. Чунки халқ ўзининг ўтмишидан маҳрум қилинган. Ёки ўтмиш бу халққа даҳшатли кунлар, бахтсиз даврлар ўлароқ кўрсатилмоқда.

Келинг, фикримизни исботласак. Каримов ҳар йили Наврўз ва мустақиллик байрамларини нишонлатади, 9 майни хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилади, лекин уларнинг мазмун-моҳияти маълум эмас. Гўёки ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳига ҳурмат кўрсатиш, тирикларни қадрлаш эмиш! Буни қарангки, Тошкентдаги хотира майдонига бориб она тимсолини акс эттирган ҳайкалга таъзим қилишса, марҳумлар руҳига ҳурмат кўрсатилган бўларкан!

Қишлоқларда яшаётган ёши улў отахонлар йиғиб автобусларга солиб Тошкентга олиб келинмоқда ва ҳайкал пойига гул қўйиб, унга бош эгиб сиғинмоқдалар. Соғлом ақл яхши англайдики, ҳайкалга сиғиниш ширқдир. Яъни Оллоҳнинг бирлигига шерик топмоқдир. Зотан, Ислон дини ақидасига кўра Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Ундан ўзгага сиғинмоқ мумкин эмас. Рукуъ, сажда, таслимият – ҳамма-ҳаммаси Оллоҳгадир. Инсоннинг инсонга тиз чўкиши-да мумкин эмас. Фақатгина Оллоҳга тиз чўкилади. Бироқ Каримовнинг ўзи ҳар “байрам”да ҳайкал қошида бош эгиб, руку қилган етмагандек, чолларни ҳам шунга мажбур қилмоқда. Ҳайкаллар пойига эса гул қўйдирмоқда.

Дарвоқе, Каримовнинг ҳайкалпарастлиги ҳақида ҳам истаганча гапирсақ бўлади. Бу одам ҳайкал яшашни яхши кўради. Совет даврида шакллланган онгида ҳайкал унинг учун мангулик тимсоли ўлароқ кўринади. Совет даврида коммунистларнинг сиймолари

ҳайкал ясаб улўлангани каби Каримов ҳам дам Амир Темур, дам Алишер Навоийларнинг ҳайкалларини ясатгани етмагандек, одамларни чалғитиш учун Зулфия, Саид Аҳмад ва унинг хотини Саида Зуннуоваларнинг ҳайкалларини ясатган. Бундан ташқари Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Ойбек ва бошқаларнинг ҳам ҳайкаллари бор. Аслини олганда, Каримов сиёсатида одамларни чалғитиш учун ҳайкаллардан фойдаланиш услуби бор.

Эндияна 9 майни муҳокама қилсак. Гапни тарихга боғлаётгандик. Утган асрнинг бошларида яшаган жадидлар, Туркистон мухторияти ҳақида бир қадар биламиз. Аммо кўп эмас. Чунки улар ҳақида жуда қисқа эсланади. Аслида уларнинг фаолияти кенгроқ ўрганилиши, халққа етказилиши шарт. Чунки жадидлар ва Туркистон мухторияти ғоялари замирида чинакам хуррият ва чинакам миллий мазмун, мақсадлар мужассам. Каримов эса булардан кўрқади. Гўёки жадидлар ёки Туркистон мухторияти ғоялари унинг ҳукумати учун соя солади!

Аслида ҳақиқат шу. Чунки жадидлар яратган асарлар, Туркистон мухториятининг тузилиши ва йўқотилиши, хонликларнинг ағдарилиши, ўша даврларда мамлакатимиз бўйлаб юз берган кўзғолонлар моҳиятида халқнинг хурриятга ташналиги ва эътиқодга бўлган садоқати намоён. Бу нарсалар халқни, миллатни ўзига танитади. Лекин Каримов буларни истамайди. Мактаб дарсликларига бу мавзулар қисқача ёритилади, университетларда юмалоқ ёстиқ қилинади. Тамом. Халқ ҳам, улғайиб келаётган ёшлар ҳам бу давр ҳақида ҳеч нарсани билмайди.

Буюк боболардан лоф урилади, Худо ҳаққа, ўша буюк

боболарнинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот берадиган, уларнинг шахсияти ва ижодий меросини танитадиган БИРОРТА ҲАМ КИТОБ ЙУҚ Ўзбекистонда. Гапимга ишонмасангиз, китоб дўконларидан Берунийнинг ҳаётига бағишланган китоб сўраб кўринг. Ёки Ал-Хоразмий асарларининг тўпламига қизиқинг. Ҳа, майли, ҳеч бўлмаса, Аҳмад ал-Фарғоний ижоди мероси неча жилдада чоп этилгани билан қизиқинг. Жуда бўлмаса, ибн Синонинг ўзбек тилида чоп этилган асарларини тўплаб кўринг-чи!

Ишончим комилки, қониқтирадиган ҳеч нарса йўқ. Бўлса ҳам, Совет даврида чоп қилинган китобларни топа оласиз. Улар ҳам чалакам чатти, қисқартириб ташланган. Дейлик, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Сайдана”, ибн Синонинг “Ҳай ибн Яқзон”, “Уржузлар”, “Шеър илми” каби китобларини кўришингиз мумкин. Форобийнинг эса “Фозил одамлар шаҳри” китобининг тўмтоқ бир таржимасига дуч келасиз. Аммо бу асарлар “жаҳон илм-фани тараққиётга муносиб ҳисса қўшган” боболарнинг меросини тўлиқ акс эттирадими? Ҳеч қачон! Агар шундай деб ҳисобланилса, бу шармандалиқдан бошқа нарса эмас. “Ал-жабр вал-муқобала”, “Ал-Қонун фиттиб” асарлари ўзбек тилида тўлиқ шаклда чоп қилинмаган. Чоп қилинган бўлса, нима учун халқ ундан беҳабар? Нима учун бу асарлар ҳақида олий ўқув юртларида маълумот берилмайди? Аччиқ ҳақиқат шуки, ўтган ўн беш асрда аждодларимиз ёзиб қолдирган илмий мерос мутлақо қаровсиз ётибди.

Модомики, хотира ва қадрлаш экан, чолларни ва ёшларни ҳайкалларга руку қилдирмасдан шу китобларни нашр эттириб, хотирламайдими боболарини бу миллат?

Бу ҳақда яна узоқ гапириш мумкин. Биз шу ерда мухтасар қиламиз. Зотан, уруш даврида бўлганларга саккиз юз минг сўм пул билан оилалар фаровон бўлиб кетмайди, қуруқ сафсата билан халқнинг, миллатнинг маънавияти ўсиб қолмайди, қорнимиз тўқ, тинчмиз дейиш билан мамлакат тараққиётга эришмайди. Юрмаётган поездга ўтириб олиб, бекатларнинг номларини айтиш билан манзилга етиб бўлмайди.

Халқ маънавий жиҳатдан таназзулга ташлаган, иқтиодий жиҳатдан эзган бу тузумнинг ҳам умри, албатта, битажак. Бунга шубҳасиз ишонамиз.

**Абдуллоҳ Нусрат**

БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилги махсус резолюциясига кўра, ҳар йили 3 май – Халқаро матбуот эркинлиги куни (ингл. World Press Freedom Day) сифатида нишонланади.

Ҳар йили шу куни БМТ Бош қотибнинг Халқаро матбуот кунига бағишланган баёноти тарқатилади. Жумладан 2006 йилги баёнотида, Оммавий ахборот воситалари низо, бузғунчилик ва нафрат ташвиқоти қуроли бўлиб хизмат қилмаслиги кераклиги таъкидланган.

1997 йил 3 майдан буён ҳар йили матбуот эркинлигига муносиб ҳисса қўшган инсонлар ЮНЕСКО тарафидан мукофотлар билан тақдирланишади.

БМТ резолюциясига эркин Африка матбуоти ривожига бағишланган Виндхук Декларацияси асос қилиб олинган.

### Ўзбекистонда «Эркин сўз»

1988 йили «Эркин сўз» газетасини, тўғрироғи норасмий Ўзбекистон Эркин ёшлари уюшмаси хабарномасини чиқаришга муваффақ бўлганимни эслайман. Бунгача биз уюшмамиз фаоллари билан Ўзбекистон мустақиллиги ва демократия тарғиб қилинган турли варақа ва чақириқлар кўпайтириб тарқатардик.

Журфак талабаси бўларок, нима учун варақа ва брошюралар чиқариш мумкин бўлган ускунада газета қилиш мумкин эмас деган ҳаёл менга тинчлик бермасди.

Расом дўстим Куронбой Матмуродов билан кечаси (кундузи ўқиш) ишга киришдик. Биз мўлжалдагидан икки ҳисса (масштабини 50 фоиз кичрайтириш имконини ҳисобга олиб) катта ватман қоғозга, бўлажак газета матни, сарлавҳалари ва расмларни жойлаб ёпиштиришимиз керак эди.

Куронбой қўлбола тайёрланган махсус туш ва скалпелини олиб ишга киришди, мен эса ёзув машинкасида колонка матнларини тера бошладим.

Мақсад тўрт саҳифага долзарб ва қисқа мақолаларни ихчам шаклда жойлаш эди. Адолат нуқтаи назаридан айтишим керак, ўша йили газетамиз билан параллел Фаҳриддин Худойкулов бош кош бўлган «Бирлик» ҳаракатининг хабарномаси ҳам чиқа бошлади.

«Эркин Сўз»ни сотишдан тушган пулга тўртта мегафон сотиб олдик. Тарқатиладиган материаллар, Уюшма низоми ва яна анча варақалар, жумладан алоҳида нашр

тарзида «Ку-Ку-88» (Яъни Кудрат ва Куронбой) имзоси билан сатирик карикатуралар кўпайтирилди.

Ҳатто, айрим хизматчиларимизга озроқ қаламҳақи бериб, қолганига иккита хона ва битта мажлислар залини доимий ижарага олиш қувватига эга бўлдик.

## Халқаро матбуот эркинлиги куни

### Тугатилаёзган цензура

Норасмий нашр фаолияти узоққа бормади. Уни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи бошни қотирди.

1989 йили мен «Эркин сўз» газетасини қайддан ўтказиш учун Давлат матбуот кўмитаси раиси Рустам Шоғуломовнинг қабулига кирдим.

У кишининг асосий эътирози аввалига газетанинг номига бўлди. Нима дегани эркин сўз, нима эркин эмас сўз ҳам бор эканми, деб мени калака қила бошлади.

Лекин, у пайтлар ҳар ҳолда ошқоралик — мен ҳам тап тортмай, газетани унинг руҳсатисиз ҳам чиқариб келганимиз ва шундай давом эттиришдан бошқа чорамиз йўқлигини айтдим.

Ҳукуматнинг бош цензори ўша пайтда тутақиб менга тагин ғазабини сочишдан нарига ўтмади. Бу пайтда цензура идораси тутатилиш арафасида эди.

### «Муносабат» газетаси

1991 йилнинг 13 апрел куни Совет иттифоқида цензура тугатилиб, матбуот тўғрисида қонун қабул қилинди.

“Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари эркиндир, цензурага йўл қўйилмайди” деган икки жумла аксарият ҳамкасбларим каби мени ҳам эркинликнинг янги уфқлари сари қанотлантди.

Янги қонун 18 ёшга тўлган ҳар бир совет фуқаросига матбуот яратиш ҳуқуқини берган эди.

Цензура бекор қилинганига қадар “Муштум” журналида ишлаб юрган Фаҳриддин Худойкулов мана шу фармон сиёҳи қуримасдан бутуниттифок “Муносабат” ҳафталигини Москвадаги матбуот кўмитасида рўйхатдан ўтказди.

Ўшанда мен Фаҳриддин акага ҳамроҳ бўлиб Москвага бордим.

### Москва шамоли

Москвада қарийб бир ҳафта

қолиб кетдик. Сафаримиз анча сермахсул бўлди, Фаҳриддин ака 200 минг рус ва 200 минг ўзбек тилларида чиқадиган бутуниттифок газетани рўйхатдан ўтказишга эришди, 007 рақамли чўғдай қип қизил гувоҳномани олганимизда ҳурсандчилигимиз чексиз эди.

Орадан уч ой ўтиб ноябр ойида бу газетанинг нишона сони чиқди. Ёзувчилар уюшмаси биносидagi офисимизга ўрнатилган учта компьютерда кечалари билан уйга бормасдан газетани макет қилар эдик.

Бирок, тагин бахтиёрлигимиз узоққа бормади. Газетанинг бор йўғи учта сони чиқди.

Референдум арафасида газета тайёрлаб ўтирган пайтимиз офисимизни бир гуруҳ ментлар келиб босди. Ҳаммаёқ ваҳима.

Қизиқ ҳол ҳеч эсимдан чиқмайди. Милиция қуршовида ўтирган кишанбанд Фаҳриддин акага яқинлашмоқчи бўлдим. У киши кулимсираб, «Э, бу бола бизда ишламайди» дегандай шаъма қилди, мен нима қилишим кераклигини тахминан тушундим. «Муштум»да ишлаган Фаҳриддин акада юмор ҳисси анча кучли эди.

Чимкентда «Муносабат»нинг янги сони чиқиши керак эди. Унда Бутуниттифок референдумига қарши мақолалар бор эди.

Эртаси куни Фаҳриддин акани қўйиб юборишди. Босмаҳонага мен борадиган бўлдим.

Газетани юклашга ажратилган «Камаз»да менга тошкентлик олифта йигитлар ҳамроҳ бўлди. Улар икки юз минг тираж газетани кўриб қапалаклари учиб кетди.

«Бундан кўра, ерёнғоқ юклаганимиз яхши эди» дея тихирлик қила бошлашди, лекин ўртага қўйилган яримта ароқ ишни ҳал қилди. Камаз тезгина газета тахлами билан лик тўлди.

Тезгина биз босмаҳонани тарк этдик. Чимкент-Тошкент шоссеси бўйлаб бораркан газета ортилган «Камаз» юкхонасидан, бир тахлам газета ажралиб йўлга сочилганини эслайман.

Машина йўл чеккасида тўхтаганида беш юзтача газета саҳифалари шамолда учаркан, уларни йиғиштириб олишдан мантиқ ҳам йўқ эди...

Уларни келтириб Ёзувчилар уюшмасидан ижара олинган омборга жойладик. Бирок газетани тарқатишга улгурмай, тираж

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

сақланган омборга ўт қўйилди. Таҳририятга қарши иш очилди.

Шу билан газета фаолияти тўхтади. Бироқ газета атрофидаги муаммолар яна анча давом этди. Бунинг кўп тафсилотлари

Фаҳриддин аканинг хотираларида бор. Кейин мен журналистиканинг босма тури билан ҳайрлашганимга қадар анча вақт Муҳаммад Бекжон ва бошқа кўп хурфикрли ҳамкасбларим билан «Эрк» газетасида бир муддат ҳамкорлик қилдим.

Кейин, аллақачон кремлдан мустақил ҳукумат цензураси бу газета фаолиятини ҳам тўхтатди.

Сўз эркинлиги узра дам оқ, дам қора булутлар алмашаётган суронли даврлар эди бу.

**Қудрат Бобожон**  
Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

Ўзбекистонда GM Uzbekistan иши бўйича ширкат бош директори Тохир Жалиловдан ташқари яна камида 10 одам ҳибсга олингани айтилмоқда. Озодлик манбалари ҳибсга олинганлар орасида ширкат раҳбарининг ўғли ва ўринбосарларидан бир ҳам борлигини айтмоқда. Жалиловнинг ўзи ҳамон Миллий хавфсизлик хизмати ертўласида сўроқ қилинаётганини айтган манба жиний схемалар воситасида сотилган автомобиллар эгаларидан мусодара этилаётганини ҳам иддао қилмоқда. Экспортга чиқарган машиналарни қайта Ўзбекистонга олиб кириб, пуллаш орқали катта миқдордаги маблағларни ўзлаштирилганликда гумонланаётган GM Uzbekistan бош директори ўтган ҳафта ҳибсга олинган эди.

#### **Жалиловнинг ўғли ва ўринбосари ҳам олиб кетилган**

GM Uzbekistan бош директори ҳибсга олинган ортидан ширкатда “қаттиқ текшир-текшир давом этмоқда”, дея билдирди Озодликнинг Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси яқин манбаси.

Унинг айтишича, ўтган ҳафтадан бери Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ертўласида қамоқда сақланаётган GM Uzbekistan бош директори Тохир Жалиловдан ташқари шу пайтгача яна камида 10 киши, жумладан унинг ўғли ҳам ҳибсга олинган.

“Жалилов ертўлада сўроқ қилинмоқда. Билишимча, олиб кетилганлар орасида Жалиловнинг ўғли ва ўринбосари ҳам бор. Фирибгарлик схемасига ҳомийлик қилган МХХнинг иккита зобити ҳозирда қочиб кетган. Бу схемада жуда кўп одам бўлган. Лекин бундай катта ишни жуда нуфузли шахслар ҳимоясиз қилиб бўлмаслиги аниқ ва Жалилов бу схемадаги энг асосий шахс эмаслигини айтишимиз мумкин”, дейди манба.

Ўзбекистон ҳокимият идораларидаги Озодлик манбаси ҳам Жалиловнинг ўғли бу ишга гувоҳ сифатида жалб этилганини тасдиқлади.



### **«GM Uzbekistan» иши бўйича қамоқга олишлар давом этмоқда**

“Жалиловнинг ўғли сўроққа гувоҳ сифатида жалб этилган. У ҳибсга олингани тўғрисида аниқ маълумот йўқ, гувоҳ сифатида олиб кетилган. Лекин у ҳам отаси билан жума кун олиб кетилганича қўйиб юборилгани йўқ. Бундан ташқари, яна 10 киши қўлга олинганини биламан. Улар орасида GM Uzbekistan молиявий департаментнинг икки мулозими бор”, дейди ҳокимият идораларидан биридаги Озодлик манбаси.

GM Uzbekistan бош директори ва бошқа мулозимлари катта миқдордаги фирибгарликда айбланиб, ҳибсга олинганидан беш кун ўтиб ҳам Ўзбекистон Бош прокуратураси ва бошқа тергов идораларидан бунга оид изоҳ олиб бўлгани йўқ.

GM Uzbekistan қўшма корхонасининг 75 фоиз улушига эгаллик қиладиган “Ўзавтосаноат” давлат ширкати вакиллари ҳам Озодлик сўровига жавоб беришдан бош тортди. 47 ёшли Тохир Жалилов GM Uzbekistan бош директори давозимидан ташқари “Ўзавтосаноат” бошқарув раисининг ўринбосари лавозимини ҳам эгаллайди. Унинг исми “Ўзавтосаноат” расмий сайтидан олиб ташлангани йўқ.

Президент Ислам Каримовнинг Москвага ташрифи арафасида GM Uzbekistan Россияга машиналарни вақтида етказиб бера олмаётгани тўғрисида хабар пайдо бўлди

#### **Президент Москвадан қайтгач фош этилган схема**

Озодлик манбаси “Ўзавтосаноат” бошқарув раиси ва Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розикўлов машинасозлик соҳасини назорат қилиб келганига қарамасдан, ҳозирча унга нисбатан тергов идоралари томонидан саволлар туғилгани йўқ, дейди.

Апрель ўрталарида, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Москвага сафари арафасида GM Uzbekistan Россия учун ишлаб чиқарган Ravon R2 русумидаги автомобилларни вақтида етказиб бера олмаётгани тўғрисида хабарлар пайдо бўлди.

GM Uzbekistan бош директори дохил жиний схеманинг президент Каримов Москвадан қайтишининг эртасигаёқ фош этилгани эътиборлидир.

Қўшма корхонанинг 25 фоизига эгаллик қиладиган АҚШнинг General Motors ширкати Озодлик

*(Давоми кейинги саҳифада)*



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

сўровига жавобан бу ҳақда ҳозирча изоҳ бера олмаслигини билдирди.

GM Uzbekistan ширкатига яқин манбанинг билдиришича, ҳозирда ширкатнинг Асакадаги заводида ишлаб чиқариш деярли тўхтатиб қўйилган.

Манбалар GM Uzbekistan иши бўйича шу пайтгача берган маълумотларга кўра, Тоҳир Жалилов дохил бўлган гуруҳ Россияга экспорт қилиш учун чиқарилган автомобилларни Қозоғистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудида маҳсус жамлоққа олиб чиқиб сақлаган. Жиноий гуруҳ “отстойник” деб атаган бу жамлоқда сақланган минглаб автомобиллар кейин Ўзбекистонга қайта олиб кирилиб, ички нархларда пулланган.

GM Uzbekistan машиналари Россияда Ўзбекистондагидан кўра қайриб икки баробарга арзонроқ сотилиши маълум. Жиноий гуруҳ ана шу схема орқали нарх ўртасидаги фарқни ўзлаштирган, дейди Озодлик манбаси.

“Махинация жуда оддий бўлган. Қозоғистоннинг жанубий минтақаларига машиналар олиб чиқилиб, яна қайта реэкспорт қилинаётган бўлган. Ичкарига қайта олиб кириб пуллашган. Ҳозир терговчилар сотилган ҳар бир машинани текширмоқда. Завод тўхтаган ёки жуда чекланган микдорда ишлаб чиқаряпти. Бундан ташқари, эшитишимча, ҳозир водийда ўша схема бўйича сотилган экспорт вариантдаги 100га яқин машина мусодара қилинган. МХХ машиналарни сотиб олган одамларни текшириб, машиналарни тортиб қўйиб, муҳрлаб қўймоқда”, дейди Озодлик манбаси.

### **Ўзбекистонлик учун икки баробар қимматроқ машиналар**

GM Uzbekistan йилига юз минглаб автомобил ишлаб чиқариши айтилса-да Ўзбекистонда машина нархининг 85 фоизини олдиндан тўлаб қўйган харидор бир неча ойлаб навбат кутишига тўғри қелгани боис талаб жуда каттадир. Йиллар давомида сунъий тарзда яратилган бу вазият ҳам жиноий гуруҳ фойдасига ишлаган, демоқда манбалар.

Россия бозори учун Ravon бренди остида учта моделдаги автомобиль – R2, Gentra ва Nexia автомобиллари чиқарилади. Бу

машиналарнинг Ўзбекистон ички бозори учун Chevrolet маркаси остида чиқариладиган аналоглари ўзбек харидори учун қарийб икки баробар қимматроқдир.

Ўтган йилнинг охирида қисқа муддат GM Uzbekistan автомобилларини мамлакат ичида сотиб олиш фавқулодда осонлашгани тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. Бунда айниқса, Россия бозори учун чиқарилган Gentra машиналари чаккон сотилган эди.

Фарғоналик Шухрат Ҳамидов ўша кунлари Gentra машинасининг омадли харидорларидан бирига айланди.

— Ўтган йилнинг охирида, тўрт ой бўлди, Gentra машинасини олдим. Автосалонга борсам, қўлимга шартномани беришди, бориб пулини тўлаб келинг, телефонингизни қолдиринг, дейишди. Бориб 85 фоиз пулини тўладим. Шанба кuni эди. Энди 5-6 ой кутаман десам, сешанба кuni телефон қилишиб, машинангиз келди, олиб кетишингиз мумкин, дейишди. Уч кун деганда машинани олиб чиқдим,- дейди фарғоналик суҳбатдошимиз.

Фарғоналик Шухрат ака, Россияда 6400 доллар турадиган Gentra машинасини Ўзбекистонда 51 миллион сўмга сотиб олганини ҳам қўшимча қилди. Ўша пайтдаги расмий курс билан ҳисоблаганда бу қарийб 18 минг доллар, қора бозор курси билан ҳисоблаганда 10 минг доллар бўлади.

Бундан ташқари Gentra автомобили GM Uzbekistan расмий сайтида эълон қилинган Ўзбекистон ички бозорида сотиладиган автомобиллар рўйхатида йўқлиги ҳам қизиқарлидир.

GM Uzbekistan 2008 йилнинг мартада Uz-DaewooAuto ўрнида тузилган. 75 фоизи “Ўзавтосноат” давлат ширкати, 25 фоизи АКШнинг General Motors компаниясига қарашли қўшма корхона раҳбарлигига Тоҳир Жалилов 2010 йилда тайинланган.

Унгача Россияда “UzDaewooAvto” вакили ва “ЎзАвтоРус” ширкати раҳбари лавозимида ишлаган. Ўша пайтда Жалолов Воронежда дилерлик салонларини ташкил этиш учун маҳаллий амалдорларга пора бергани билан боғлиқ иддаолар юзасидан жиноят иши очилган эди. Бу жиноят иши бўйича Жалоловдан пора олганликда айбланган амалдорлар судга тортилган эди.

*Манба: «Озодлик» радиоси*

## **Қандай қилиб ҳаром луқма шахснинг ўзлигини йўқотишига олиб келади**

Албатта бизнинг еб-ичаётган нарсаларимиз шахсиятнинг ўзлигини йўқотишида ўзининг муҳим ролини ўйнаши мумкин. Ҳалол ва ҳаром каби асосий тамойилларга риоя қилиш бир мўмин инсоннинг мажбурий хусусиятларидан биридир. Аждодларимиз шундай дейишган: “Тановул қилинган ҳаром нарсанинг бир парчаси ҳам танадан жаҳаннам олови билан тозаланади”, ва улар инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ўртасида мураккаб алоқа мавжудлигига қатъий ишонишган.

Аввало, Аллоҳ таоло рухсат қилинган озуқани ейишни буюрган, ва бунга барча мўминлар риоя қилиши шарт. Яъни, фақатгина рухсат этилган емакни ейиш бизга буюрилган мажбуриятдир. Иккинчидан, барча ҳаром бўлган нарсалар, инсониятга зарар келтиради. Ҳа, ман қилинган нарсани тановул қилиш, шубҳасиз, шахсиятнинг йўқотилишига олиб келади, бундан ташқари ота-оналар ҳаром луқма есалар, бу ҳаттоки фарзандларида ўз акс таъсирини кўрсатиши мумкин.

Бизнинг солиҳ аждодларимиз ҳаромдан қўрққанлари учун, шубҳали нарсалардан ҳам воз кечганлар, яъни ҳаром бўлмаган, аммо шубҳа уйғотган нарсалардан. Улар ушбу масалада шунчалик эҳтиёткор бўлишганки, ҳатто гоҳида рухсат қилинган нарсалардан ҳам воз кечишган.

Булардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ҳаром бўлган нарсаларни ейиш, шунингдек ман қилинган кийимларни кийиш ҳам инсонни ўзлигини йўқотишига олиб келади. Шунинг учун ушбу масалада жуда эътиборли ва эҳтиёткор бўлмоқ зарурдир.

Шунингдек таъкидлаш жоизки, ҳалол бўлган нарсаларнинг кўлами жуда кенгдир, шунинг учун ҳаром қилинган нарсаларни ейиш ва ишлатиш учун ҳеч қандай зарурият йўқ.

**ЎХХ хабарлар бўлими**

Таниқли ёзувчи, ўз вақтида Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг «Ҳидоят» журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаган Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (Нурилло Отахонов) Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки 20 йилини ўз ичига олган “Бу кунлар” китобини ёзиб тугатди.

Туркиядаги нашриётда чоп қилинган ва электрон варианты ижтмоий тармоқларда ўқиладиган бу китоб муаллифи Озодликнинг Курултой эшителишида ўз китобхонлари билан мулоқот қилди.

Китоб муқаддимаси муаллифнинг ўз тили билан айтганда, “зарда билан бошланади”. Муаллиф бутун асар давомида Ўзбекистонни чоракасрдан бери бошқараётган раҳбарни “узурпаторлик” да айблаётди:

“Мустақиллик...”

Ш у н а қ а с и н и  
кўзлаганмидик?

Оллоҳ ҳаққи, биз мустақил

бўлишни жуда-жуда орзу қилганмиз, лекин бунақа “мустақиллик”ни асло кўзламаган, мустақиллик бунақа бўлиб чиқшини сира кутмаган эдик! Ота-боболаримиз ва уларнинг кетидан биз болалари қачондир бир кун Ватанимизни озод кўришни, эски шон-шавкати қайта тиклашни қанчалар истаганмиз, қонларимиз гупириб бу йўлда курашга кирганмиз, аммо бир куни халқимизнинг бошига мустақилликнинг асли эмас, унинг ўхшовсиз бир масхараси келиши етти ухлаб тушимизга кирмаган.

Сўзим ўздан ўзи алам ва зарда билан бошланди.

Сабаби бор. Сабабларнинг энг



## Ўзбек ёзувчиси “Бу кунлар” даҳшатини китоб қилди

бошланғичи будир:

Мустақилликни қаттиқ истаганлар ҳам, мустақиллик учун курашганлар ҳам бир четда қолиб унга бутунлай бошқалар – мустақиллик йўлида курашиш тугул, аксинча, унга қарши бўлган коммунистлар эга чиқди.

Халқимизнинг ҳамятли бир қисми хуррият истаб майдонларда бошини нақ дорга тиккан бир пайтда йиллар давомида етиштирилган совет кадрлари Ўрусия мустамлакаси остидан ҳеч чиққиси келмас, СССР давлатини ҳар қандай кўринишда бўлсин сақлаб қолишга тиришиб ётар эди.

Тақдирнинг ажиб жилвасини

кўринг: кеча мустақилликка тиш-тирноғи билан қарши бўлганлар бугун унинг жиловига тиш-тирноғи билан ёпишди.

Ҳа, янги “мустақил давлат” тепасида эски коммунистлар қолди. Натижада ҳаётимизда айтарли ҳеч нарса ўзгармади...”, дея ёзилади китоб муқаддимасида.

### Ёзувчи ҳақида

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (Нурулло Отахонов) 1955 йил 14 февралда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги Ойимча Қақир қишлоғида хизматчи оиласида туғилган.

1991-2010 йилларда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг «Мовароуннаҳр» нашриётида бош муҳаррир, «Шарқ юлдузи» журнали тахририятида бўлим мудир ва «Ҳидоят» журнали тахририятида бош муҳаррир лавозимида ишлаган.

Ёзувчи шу кунларда Туркиядаги китоб ярмаркасида ўзининг турк тилига таржима қилинган китоблари тақдими билан бандлигини айтди.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон «Оқ бино оқшомлари» ҳикояси ва айни номдаги киносценарий муаллифидир.

Ёзувчининг «Дунё кенг» (ҳикоялар, 1986) ҳамда «Шу ерлик киши» (қисса ва ҳикоя, 1988) китоблари чоп этилган.

У шунингдек, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида икки қисмли киносценарий ёзган.

Турк, гуржи, хитой ва рус адабларининг бир қатор асарлари, Темур Пўлатовнинг «Завсегдагай» («Шинаванда») қиссаси ҳамда «Черепаха Тарази» («Торозий тошбақаси») романларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳозирги замон турк адаби, олими Аҳмад Лутфий Қозончининг олти жилдлик «Саодат асри қиссалари» асари ҳам Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон таржимасида ўзбек тилида дунё юзини кўрган ва бир неча марта қайта нашр этилган.

Ёзувчи долзарб мавзуларда бир қатор публицистик, илмий, адабий мақолалар муаллифидир.

Манба: «Озодлик» радиоси



Фуқаро кийимидаги ўнга яқин одамлар жиянимнинг уйини "босишибди". Уртанча опамнинг оилали қизининг ҳовлисини. Тўсатдан бостириб келган орган одамлари Гулзода Пардаеванинг уйини тинтув қилишибди.

— Гап йўқ, сўз йўқ бир тўда бегона эркак кишилар қутилмаганда ҳовлида пайдо бўлишди ва оғил борми, сомонхона, сандиқ борми... хуллас, ҳамма жойимизни тинтув қилиб, ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Мен бу пайтда тандирда кўк сомса ёпаётгандим. Қайнотам суд "Дамас"имизни мусодара қилиб юборганида қон босими кўтарилиб кетиб, фалаж бўлиб қолганди... Қайнонам кўрққанидан қалтираб қолди. Улар ўғилларининг ортидан одам тушганмикин, Россияга бориб ишлаб келганлиги сабаб тинтув қилишаяптимикин деб юраги ёрлаёзди. Негаки, ҳозир Россияга, Туркияга бориб ишлаб келганларни текшир-текшир ишлари каттада. Қайнонам шўрликни ҳам инфаркт қилиб қўйишларига бир баҳия қолди. Бир зумда ҳовлимиз, уйимиз тўс-тўпалон бўлиб кетди. Тинтувчилардан бири тандирдан узган пичак (кўк сомса)дан танаввул қиларкан, "Сизлар Эшонқулова Малоҳат билан телефонда гаплашиб турган экансизлар. Шунга сизларни "Эшонқулованинг гуруҳи(ўзим билмайдиган қандай гуруҳ тузган эканман?)га аъзомикинсизлар?" деган шубҳада уйлорингизни кўздан кечиришга келгандик. Йўқ, яхши, ҳамма жой топ-тоза экан. Бирор шубҳали нарса чиқмади. Эшонқулова билан қандай танишлигиниз бор? Телефонда нималар ҳақида гаплашгансизлар?" деб сўради мендан, — дейди умрида тинтув нима билмаган, кўрмаган жияним Феруза Пардаева кўрққанидан деярли шивирлаб, — Мен уларга "Эшонқулова Малоҳат аямнинг синглиси – холамиз бўлади. Холамиз сифатида ҳол сўраб турардик. Кичик қизи бизнинг уйда улғайган. Қизларининг соғлиғини сўрардик. Холамизнинг ишига ҳеч қандай алоқадор жойимиз йўқ. Шунчаки қариндош сифатида боғланиб турардик. Лекин яқин 2,5 йилдан буён телефонда гаплашган жойимиз йўқ эди-ку? Бошимизга ташвиш тушиб, тўхматга қолган кезларимизда бир-икки кўнғироқ қилиб йўл-йўриқ сўрашга мажбур бўлгандик" дедим. Кўрққанимдан ҳозир жоним чиқиб кетса керак деб ўйлагандим.... Яхшиям қайнотам касалхонада эди. Уйда бўлганида, бундай ваҳимани кўрганида борми, аниқ ўлиб қоларди.... Бир мартага биз ўлиб қолай дедик-ку, сиз қандай яшайсиз бундай кўрқитув остида-а? Қўйинг-э, шу ишингизни..., — нималардир дея



## Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА: Ҳукумат мени нафақат халқдан, балки туғишганларимдан ҳам изоляция қилишга ҳамон зўр бермоқда

яна узоқ пичирлайди у.

Унинг қолган гарлари қулоғимга кирмайди. Хаёл олиб қочади: "Биламан, бу қуёнюрақлар ўзларини таништирмаган, фуқаро кийимидаги бир тўда босқинчиларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан бирор бир идорага арз ҳам қилишмаган, шикоят қилишни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Негаки, улар мендан фарқли ўларок, бу ҳукуматда қонунлар ишламаслигини, оддий халқнинг арзини ҳеч ким эшитмаслигини жуда яхши билишади-да!.... Биргина ахлоқ – мен –У! Гарчи бу мамлакатда адолат қарор топмаслигини билсам-да, бесамар шикоятлар ёзишдан толмайдиган! .... Талмовсираб берган саволларини кўрмайсизми?: "Эшонқулова билан қандай танишлигиниз бор? Телефонда нималар ҳақида гаплашгансизлар?" эмиш? Кимсан, Ўзбекистон ҳукуматининг изқуварлари, МХХ, прокуратура, ИИБси бўлади-ю, Гулзода Пардаева менинг опамнинг қизи – жияним бўлишини билмайдими? Қариндошлигимиздан бехабарми? Ахир, 2013 йилнинг 13 март куни "Harakat.net" сайтида эълон қилинган «17:46 — «Ҳаракат» хатқутисидан: Малоҳат Эшонқулованинг кирдикорлари ҳақида Мурожаатнома»нинг муаллифи Ўзбекистон МХХсининг ўзи эмасмиди? Ахир, юқоридаги хабарни айнан менинг мана шу қариндошларим – жиянларим – Пардаевалар номидан уюштирган ва чоп этган махсус хизматларнинг ўзлари эмасмиди? Нега энди бугунга келиб улар ўзларини билмасликка, овсарликка солишади? Қуни кечаги Гулзоданинг қайнота ҳовлисидан

ноқонуний тинтув ўтказилишидан асл мақсадлари ҳам ойнадек аён-ку – жиянимни, унинг қайнота-қайнонасини, умр йўлдошини менга қарши қайраш, улар кўнғлида хавотиру ҳадик уйғотиш, кўрқувни шакллантириш эмасмиди? Ахир, аллақачонлар етти пуштимгача сўраб-суриштириб бўлишган-ку? Ўзларини гаранга солиб нима қилишади? "Телефонда нималар ҳақида гаплашгансизлар?"миш?! 2000 йилдан буён барча телефон сўзлашувларим махсус хизматлар томонидан тингланади, ёзиб олинади-ку!...

Дарвоқе, бу қариндошлар билан охири бор қачон кўнғироқлашгандим ўзи?"

Эсладим, 2013 йилда, турмуш ўртоғининг бошига иш тушиб қолганида бир неча бор кўнғироқлашгандик. Эри бечора Россияга бориб, қора меҳнатнинг орқасидан тўрт танга топиб, "Дамас" русумли оёқ улов олган эди. Кейин мусофирчиликни йиғиштириб, Оқдарёда киракашликнинг орқасидан кун кўрадиган бўлганди. Шундай кунларнинг бирида суд унинг оёқ уловини "жиноят қуроли" сифатида давлат фойдасига мусодара қилиб юборибди. Адолат ахтариб бош уриб бормаган ери қолмаган, ҳеч ким деҳқоннинг боласини гапига қулоқ солмаган. Машинасини ҳам қайтариб бермаган. Чорасиз қолгачина олдимга маслаҳатга келишганди: "Машинамизни қандай қилиб қайтариб олсак бўлади?"...

"Жиноят қуроли" бўлган "Дамас"да куёв бола киракашлик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



қилиб юрган кезлари, ҳайдовчилар жуда яхши билишади, “Қачон туларкан, ҳачон машинам еларкан?” деб кўзлари “клиент” қидириб интиқ ўтиради. Ана шундай кунларнинг бирида машинасига 3 та ширакайф йигит чиқиб қолади. “Ароқ ичган кимсаларни машинага ўтқазиб мумкин эмас” деган қонун йўқ-ку. Ё борми? Узи мижоз кутиб тоқатлари тоқ бўлиб ўтирган ҳайдовчи бўлса, “клиент”ни қувармиди, йўқ, қайтага қувонади-да! Манзилига, марказга элитиб қўйган ҳайдовчи нима қиларди, изига қайтиши учун яна йўловчи кутади. То “Дамас” тўлғунига қадар у келтирган 3 йигит ширакайф эмасми, тарфуз-қовун сотаётган йигитлар билан нарх-навонинг устида тортишиб қолиб, икки шапалоқ, тўрт тепки тушириб улгурган, камига иккитадан олтига пулитўланмаган тарвузни қўлтиқлаб ортга қайтиш учун яна “мижоз” кутаётган қувонинг машинасига ўтирган... Табиийки, қовунфуруш йигитлар қонун идораларига арз қилган. “Калтаклаган кимсаларни танийсизми? Кимлар эди?” деган саволга, “Биз билмаймиз, танитаймиз. Бизга зўравонлик қилиб маҳсулотларимизни талаб кетган йигитлар мана шундай давлат рақамли “Дамас”га ўтириб кетишди. Шу сананинг шу соатида эди. Биз танимасак ҳам, ҳайдовчи яхши таниши керак, ўша машинанинг мижозлари эди зўравонлар” дея кўрсатма беришган. Уша кўрсатма асосида бир соат ўтар-ўтмас “шу-шу давлат рақамли “Дамас” “арест” қилинган, қувв бола хибс этилган. Узундан-узун судловлар натижасида қувв айбисиз деб топилган. Бироқ суд “Бор бало, барча гуноҳ транспортда. Ширакайф йигитларни шу “Дамас” келтирмаганида қовунфурушлар калтак емаган бўларди, шу машина маст кимсаларни олиб кетмаганида,

зўравонлар шу ондаёқ қўлга тушган бўларди” деган тўхтамда “Дамас”ни “жиноят қуроли” деб топган ва суд ижрочилари кўз очиб юмгунча “жиноят қуроли”ни пуллаб юборган....

Ушанда, бошларига ташвиш тушган паллада менга бир неча маротаба сим қоқишган эди....

Ҳаш-паш дегунча ордан 3 йил ўтиб кетибди.... Адашмасам, 2,5 йилдан буён жияним билан ҳам, унинг оила аъзолари билан ҳам на қўришганимни, ва на да кўнғироқлашганимни эслай олмайман.

Орган ходимлари менга алоқадор телефон сўзлашувларининг 3 йиллик “тарих”ини “титишибди”ми, демак, масала жиддий!

Жияним – Гулзода Пардаева-ку, ўзимники... Лекин унинг қайнота-қайнонаси-чи? Турмуш ўртоғи-чи? Ҳамсоя халқи, қариндош-уруғи-чи? Қандай хаёлга боради?

“Эшонқулова билан кўнғироқлашганларнинг уйлариде тинтув ўтказишарканми? Эшонқулованинг ўзи нима иш қиларкин? Ваҳобиймикин, террористмикин?...” — аҳолини шу каби оғир ўйлар гирдобиде саросимага солиб қўйиш, мени халқдан изоляция қилиш мақсадида қасддан, обдон ўйлаб, ўта устамонлик билан қилинган ҳийла. Нафақат менга, мен билан мулоқотда бўладиган одамларга қўлланилган маккорона таҳдид.

Ва бу биринчиси ҳам эмас.... Мана шундай таҳдидлар ортидан Ҳукумат 7 нафар туғишганларимдан 5 нафарининг онгида менга нисбатан “Халқ душмани”, “Ватан хоини” деган фикрни шакллантиришга муваффақ бўлганди. Айни дамда мен билан салом-алик қиладиган бор-йўғи иккитагина опам қолган эди холос.... Бу туғишганларим хусусида... Мен билан борди-келди қилган, гаплашган, кўнғироқлашган, арз-додини айтган аҳоли вакилларини янада қаттиқроқ қўрқитишади, уларга кучлироқ босим ўтказишади. Ҳатто айримларини “айғоқчиликка” ёллашади. Баъзиларини “Пора билан тутиб бериш” амалиётига тайёрлашади.... Қизиқ, мен масъул мансабдор шахсмидимки, кимларнингдир ишини битириб бериш эвазига пора талаб қиладиган?... Янаям аниқроғи, “Товламачилик” моддасига тузоқ қўйишади....

Шу алфозда адолат истаб бош кўтарганларнинг барчасини каллақлаб, чеканка қилиб ташлашмоқда....

Бунингдек бемазагарчиликка ружу қўйган тузум ер юзиде битта бўлса керак....

**Малоҳат Эшонқулова**



## Қамчиқ довоидаги кўчки натижасида 5 киши ҳалок бўлган

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қамчиқ довоида содир бўлган кўчки оқибатида одамлар ҳалок бўлган. Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус хабарига кўра, кўчки Қамчиқ довоининг Наманган вилояти Поп туманига доир қисмида 4 май куни маҳаллий вақт билан соат 14.00 атрофида содир бўлган.

А-373 М-39 автомагистралда рўй берган «кўчки остида иккита автомобил қолиб кетган», дейилади хабарда. Қурбонлар ва жароҳатланганлар борлигини маълум қилган вазирлик неча киши ҳалок бўлгани ва жароҳатланганини аниқлаштирилмаган.

Айни пайтда Қамчиқ довои ёпиқлигича қолмоқда. Воқеа содир бўлган жойдан Озодлик мобил мухбирининг хабар беришича, икки томондан юзлаб автоулов довои йўлининг тозаланишини кутмоқда. Кўплари ортга қайтиб кетмоқда.

«Одамлар йўл очилишини йўл четигадаги чойхоналарда кутишмоқда» — дейди йўловчилардан бири.

Озодлик билан боғланган йўловчилардан бири воқеа жойида хавфсизлик хизмати вакилларининг кўплини тасдиқлади. Тасдиқланмаган маълумотга кўра, йўлнинг 200 метрини тош босган.

Қамчиқ довои орқали Ўзбекистон аҳолисининг 1/3 қисми истиқомат қиладиган Фарғона водийсини мамлакатнинг қолган қимси билан боғловчи А-373 ягона автомагистраль ўтади. Стратегик аҳамиятга эга ушбу довои орқали кунига 10 — 15 минг автоулов катнайди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Мана у 21 асрдаги ўзбек жадиди

1987 йилда Урганчдаги суратлар галереясида ишлар эдим, АҚШдан меҳмонлар келиб расмларни томоша қилиб кетишди. Ушандан кейин мени Совет КГБ сининг Урганчдаги бўлимида ишлайдиган Костя деган йигит йўқлаб келди. Костя «галереяга келган меҳмонлар сендан Хамид Исмойил ва Муҳаммад Солиҳ ҳақида ҳеч нарса сўрамадими» деди.

Мен рад жавоби бердим, зотан сўрашгани йўқ эди. Маълум бўлишича АҚШ дан келган туристлар Урганчдаги китоб дўконидан Муҳаммад Солиҳ ва Хамид Исмойилнинг рус тилида чиққан шеърий китобларини сотиб олишган.

Бу нарса Урганчдек овлоқда ишсиз ўтирган чекистларга навбатдаги машғулот бўлган.

Бу даврга келиб мени Солиҳ акани яхши танирдим, бориш келиш қилар эдим. Аммо ўша куни Хамид Исмойил деган исмни илк бора эшитдим.

Эшитганда ҳам Путиннинг касбдошидан....

\*\*\*

Йиллардан 1993, ойлардан июн, ерлардан Бамберг. Германиядаги кадрдоним Гехард ва Ингаборлар билан очик ҳавода «пикник ёпдик»

Бу аснода даврамизга ўзбек мусиқа тарихи ҳақида китоб

ёзаётган Розахоним кўшилди. Розахонимни «барча даврларнинг энг буюк ёзувчиси Хамид Исмойилнинг турмуш ўртоғи» дея таништиришди. Сал ўтмай Хамид оғанинг ўзи Париждан телефон қилиб қолди. Телефонда салом алик қилдим.

\*\*\*\*

Бу учрашувдан 10 кунча ўтиб Хамид оғанинг Ўзбекистонда қолиб кетган қизи яна бир хоразмлик оғамизнинг кўмаги билан Берлинга келди.

Берлиндаги Зигрит опанинг квартираси.

Столнинг бир тарафида Ўзбекистондан келган кизалок шафтоли еб ўтирибди.

Столнинг қарши тарафида унинг онаси Розахоним кўзи тўла жикка ёш билан жилмаяди.

Сал нарида ўтирган Зигрит опа эса айрилиқ сўнгидаги шодумонликдан пой олган куйи масрур боқади.

Бир четда мен ҳам борман.

\*\*\*

1993 йил октябр. Нюрнберг шаҳрида кўрғазма қилдим. Кўрғазма очилишида Роза хоним роялда бир куй чалиб бердилар. Очилишга Хамид оға ҳам келди.

Мен доимо жадидлар қандай бўлган, уларнинг тарзи нечук дея

ўзимга савол берар эдим.

Хамид оғани кўрганим ҳамон -жадид дегани шундай кўринишда бўлса керак деган фикрга келдим.

\*\*\*

1994 йил Берлиндан сал наридаги Буков галереясида кўрғазмам очилиши керак эди.

Кўрғазманинг бадиий қисмида «Баҳор» ансамблининг раққосаси ўз санъатини намойиш қилиши режаланди.

Бу раққоса яҳудийлар йўналиши бўйича Германияга кўчиб келган ва Берлинда истикомат қилар эди.

Кўрғазма очилишига уч кун қолганда раққоса хоним кўрғазмада рақс тушмаслигини билдирди.

Галерея берган гонорар камлиги учун.

Галерея куратори вазиятни кутқаришни мендан сўради.

Вазият 200 ФРГ маркаси эвазига кутқарилиши лозим эди.

Алалоқибат дўстларимиз кўмагида бу муаммо ҳам ечилди.

Германиялик таникли кино юлдузи Simone Frost (хазир мархум) немис тилида Хамид Исмойилнинг шеърларини кўрғазма очилишида ўқийдиган бўлди.

Яна бир машхур чолғучи эса вилончелда жўр бўлди.

Аввалига мен ўзбек тилида Хамид оғанинг шеърдан икки сатр ўқидим, кейин Симона шу сатрнинг немисчасини ўқиди.

Шу тариқа ширу-шакар бадиий чиқиш қилдик. «Эгри дарахт танасидан тўғри шохлар ўсгандек» деган мисраларни Брехт яшаган қишлоқ аҳолиси ич-ичдан тушунгандек туюлди менга.

Сал нарида Хамид Исмойилнинг икки немис мутаржими мамнуният билан қараб турар эди.

\*\*\*

1999 йил 16 феврал. Тошкентда портиллашлар бўлган куни мен Хамид оғанинг Лондондаги ҳовлисининг орқа боғчасида ижоддаги портлашлар ҳақида суҳбатлашиб ўтиргандим.

\*\*\*

2004 йил. Май. Мен учиб келаётган учоқ Бокуга қўнди. Бокудан Лондонга учишим керак эди. Қарасам одам текширадиган тақани ичидан кулимсираган холда

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

Хамид оға чиқиб келяпти. Учоқ Лондонга боргунча ҳамсуҳбат бўлдик.

\*\*\*

Орадан 11 йил ўтиб ФБ да ўқиб қарасам Ингаборг Балдауф

таърифига кўра» барча даврларнинг энг буюк ёзувчиси» Хамид Исмойил фалон ёшга тўлибди. Дарров СМС тарзида мактуб ёзиб табриклаган бўлдик.

\*\*\*

Лекин ҳали мактабга бормаган пайтиданок энг буюк ёзувчи

бўлишини дақиқ билган бу оғамизни сўз билан таъриф қилишга рассомнинг кучи етмайди.

Хуллас Хамид оғанинг суратини чизаман худо умр берса.

Мана у 21 асрдаги ўзбек жадиди. Бўсағада маюс жилмайишиб турибди.

**Шухрат Бобожон**  
Манба: Facebook.com



ўшанда унга ўтириб олиш керак бўлади...»

«Мен каттароқ бўлганимда етимхонадан чиқиб, онамни қидирардим. Онамнинг уч фарзанди бор эди, ҳаммамиз халқ душманининг болалари эдик... Етимхонадан чиқиб, онамнинг олдига



## Уч минг сўм

## Шавкат Абдусаломов: «Мен халқ душманининг боласи эдим»

Асли ўзбекистонлик мусаввир, ёзувчи, актёр ва кино устаси Шавкат Абдусаломов шу кунлар 80 ёшни қарши олди.

Кўплаб ўзбекистонликлар уни «Оловли йўллар» кўп серияли фильмидаги Умид образи билан эслайдилар.

Шавкат Абдусаломов рассом сифатида кўпроқ таниқли. Унинг қатор мойбўёқли асарлари Москвадаги Третьяков галереясида, Россия, Оврўпо, АҚШдаги қатор хусусий коллекцияларда сақланади.

Бир неча йил олдин у Такваш тахаллуси билан Россияда «Яккамугуз» номли китоб чоп этган.

Шавкат Абдусаломов Би-би-си билан суҳбатда етимхоналарда кечган ҳаёти, ижодкор сифатида фаолиятини қандай бошлагани ҳақида гапирди.

«Мен рус тилида гапираман, сабабини тушунтирсам... болалигимда менинг отамни, бобомни ҳисбга олишади ва мен болалар уйига жўнатилганман. Қанақадар болалар боғчаси, кейин етимхона... «Детдом» ёки болалар уйидан кўп қочиб кетардим. Ушлаб олиб, бўш жойи бориға жўнатишарди. Кўп саёҳат қилганман, шунинг учун, паровозларни яхши кўраман. Уларнинг қичқирғи болалигимни эслатади. Мана поезд... унга етиб олишим керак, поезд тепаликка чиқаётган пайти секинлайди...

борардим, узокдан бўлса ҳам кўрай дердим. У мактаб директори эди. Бориб кучоклай десам, у менга: «Илтимос, кўчада мени олдимга келма, бу мумкин эмас», дерди. Кўрқарди онам... Халқ душманининг боласи эдим. Мени ишдан ҳайдаб юборишади деб кўрққан онам бечора».

«Болалар уйида мени — Мелания Ивановна Ткаченко топиб олди, бу Кўккон болалар уйида эди...» дея давом этади Шавкат Абдусаломов.

«9-10 ёшларда эдим... У 10 йил қамокда ўтириб чиққанди. Сабаби, Осиё манзараларини чизаман деб эри билан саёҳатга чиққани... У Петров-Водкиннинг шогирди эди, буюк санъаткорнинг шогирди... Уни қайтиб пойтахтга қўйишмагач, Ўзбекистонга келган ва етимхоналарда болаларга дарс берарди рассомчиликдан... Шу ердан кунни ўтарди унинг. Мелания Ивановнага маош берилмасди, чунки ишлашга ҳаққи йўқ эди. Фақат болаларга расм чизишни ўргатар эди. Бунинг учун, унга нонушта ёки тушлик бериларди. Бу тарих. Айнан шу аёл мен то ўқишга кирганимча менинг илҳомим ва устозим бўлди...»

«Катта кино...ўлди. Йўқ энди, катта кино... Ҳозир ҳаммаёқда сериаллар, чунки кино сизни ҳозир ўйлантирмайди, фақат завқлантиради, холос», дея куюнади Шавкат Абдусаломов.

Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)

Мени уйим подъездида 5-қаватда бир кампир туради. Уни эри 5 йил аввал оламдан ўтган. 2 йил аввал эса унинг қизи ўз эри ва фарзандлари билан авто ҳалокатга учраб ҳалок бўлганди.

Магазиндан қайтаётсам, подъездимизнинг эшигида эълон осилиб турибди.

Бир парча қоғозга ручка билан ёзилганди:

“3000 сўм йўқотиб қўйдим. Ким топиб олса қайтиб беринг. 76-квартирага, Илтимос. Пенсиям оз, нон сотиб олишга пулим йўқ.”

76-квартирада ўша кампир яшарди. Чўнтагимдан 3000 сўм олдимда 5-қаватга кўтарила бошладим. Кампирга пул берганимда у йиғлаб юборди:

-Сен 12-чи одам бўласан, менга пул олиб келган. Раҳмат болам.

Мен лифт томон қайтдим. Орқамдан эса кампир:

-Болам, кўчадаги эълонни олиб ташлагин, уни мен ёзмаганман.

Кампир турганича кўз ёш тўқарди.

Инсонларнинг қалби юмшоқлиги ва яхшиликни раво кўриши менга қаттиқ таъсир қилди.

Қалбим юмшаб кетти.

**Абдуқодир Саттор**

## МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙДАН 55 ҲИКМАТ

1. Дард, инсонга йўл кўрсатур.  
2. Иймон намоздан яхшироқдир. Чунки намоз беш маҳал фарз, иймон эса ҳар доим.  
3. Кўчанинг дайди итига хоҳ олтиндан, хоҳ юнгдан тасма так, барибир кўча итилигича қолаверади.  
4. Куфр билан иймон, тухумнинг оқи билан сариғига ўхшайди.  
5. Дон ерга кўмилади, унинг ерга кўмилиши боғу-роғнинг кўкаришига сабаб бўлади.  
6. Ақлинг туячига ўхшайди. Сен туясан. Ақлинг сени ром қилади, истар-истамас хоҳлаган жойига тортиб олиб боради.  
7. Ақлидан келган жафо нодондан келган вафодан яхшидир.  
8. Сабри йўқнинг иймони ҳам бўлмайди.  
9. Аллоҳ сенинг юзингни хунук қилиб яратган бўлса, ўзинга кел, ҳам юзи хунук, ҳам одоби хунук бўлиб ўтма.  
10. Шахматда пиёда йўлга чиқиб, охирида вазир бўлади.  
11. Қуёшнинг нури ахлатга тушса ҳам айнинамайди, чунки у нурдир.  
12. Сабр – инсонни мақсадига энг тез олиб борадиган йўл кўрсатувчидир.  
13. Ҳирс ифлосликларни ҳам чиройли қилиб кўрсатади.  
14. Темирчиликни билмасанг, темирчи ўчоғидан ўтаётганинда соқолингни ҳам сочингни ҳам ёқасан.  
15. Эгри оёқнинг сояси ҳам эгри бўлади.  
16. Яхшилик ва осойишталикда барча сенга дўст-биродар бўлар. Дард ва ғамда, Аллоҳдан бошқа ким яқининг бўлар?  
17. Яхши дўсти борнинг ойнага эҳтиёжи йўқдир.  
18. “Сўрасак ҳам бермади”, дема. Сўрашни билмадинг, ҳеч бўлмаса ёлгон гапирма.  
19. Инсонни оташ эмас, ўз ғафлати ёқар. Барчадаги камчиликни кўрар-у, аммо ўзига кўрдек боқар. Нимага қандай боқсанг, у ҳам сенга шундай боқар.  
20. Инсон кулиши ила тарбиясини, қулган нарсаси ила савиясини кўрсатади.  
21. Ёлғизлик — одам бўлмайдиганининг хурмати ва муҳаббатидан яхшироқдир.  
22. Эй Мусулмон! Одоб нима деб сўрасанг, билки, одоб — ҳар беодобнинг одобсизлигига сабр қилишдир.  
23. Рўза тутиш — қийиндир, азобдир. Аммо Аллоҳ бандасини

Ўзидан узоқлаштиришидан, бир дардга гирифтор қилишидан кўра яхшироқдир.  
24. Ҳар тил — кўнгилнинг пардасидир. Парда қимирладими, сирлар очилади.  
25. Ойнинг кечага сабр қилиши уни ойдинлатур. Гулнинг тиконга сабр қилиши гулга ёқимли ҳид берур.  
26. Ёмон нафс — йирткич қушдир.  
27. Тил қозоннинг қопқоғига ўхшайди. Қимирлаб ҳиди таралдими, нима пишаётганини билиб олаверасан.  
28. Тўғрилиқ Мусонинг асоси кабидир. Эгрилик эса сеҳрларнинг сеҳрларига ўхшайди. Тўғрилиқ ўртага чиққач, барча эгриликларни ютиб юборади.  
29. Қуш тилини ўрганган кимса, қуш ҳисобланмаганидек айни дамда қушларнинг душмани ва овчиси ҳисобланади.  
30. Умид — хавфсиз йўлнинг бошидир.  
31. Ҳар қўлингни сиққан билан дўст, жонингни сиққан билан душман бўлма!  
32. Чўнтаги бой, руҳи кашшоқ бўлган инсонларнинг ахволлари жуда жирканч. Чунки улар, ҳар нарсанинг нарҳини билишади, аммо қадрини билишмайди.  
33. Инсонлардаги гўзаллик бу – юздир, юздаги гўзаллик эса – кўздир. Аммо, инсонни инсон қилган бу унинг тилидан чиқадиган – сўздир.  
34. Ақл қўйдир, нафс бўри, иймон эса чўпон. Агар иймон кучли бўлмаса, нафс ақлни ейди.  
35. Унутма, инсон дунёларга ҳоким бўлар лекин, ҳар доим кичкинагина қалбга асирдир!  
36. Ҳақиқий дўстлар қўл билан кўз кабидирлар. Қўл оғриганда кўз йиғлайди, кўз йиғлаганида, қўл уни артади.  
37. Севгидан аччиқ ширинга айланур. Севгидан мислар олтинга айланур. Севгидан лойқа чўкинди сувлар тиник, соф ҳолга келур. Севгидан дардлар, шифо топур. Севгидан ўликлар тирилур, подшоҳлар қул бўлур. Бу севи илм-маърифатнинг натижасидир. Бўлар бўлмас нарсаларга ғарқ бўлган инсон қандай қилиб бундай тахтга ўтириши мумкин? Нуқсонли илм қандай қилиб ҳақиқий севгини яратиши мумкин? Ҳа, севгини ярата олар, у ҳам жонсиз нарсалар севгисидир. Нуқсонли илм соҳибини

жонсиз нарсада истаганининг рангини кўрганида, хуштак чалинса ҳам севгилисининг овозини эшитгандек бўлади.  
38. Одобидан маҳрум бўлган Аллоҳнинг лутфидан ҳам маҳрум бўлур.  
39. Томдан йиқилганининг бирор парчаси топилиши мумкин. Топилади ҳам. Кўнгилдан йиқилганининг бир парчаси ҳам топилмайди.  
40. Ўтин ёнса қул бўлади. Инсон ёнса қул бўлади.  
41. Чим (ўт ўлан) кеча оёқларим остида эди, бугун эса устимда турибди. Кўраяпсанми, тупроқ гуноҳлардан бошқа ҳар нарсани беркитади?!  
42. Тилига ҳоким бўлмаган инсондан – дўст, кўзига ҳоким бўлмаган инсондан – ёр бўлмас.  
43. Илмга етган оёқ қанотга айланур.  
44. Ажал, берилгани олиб кетмасидан, берилиши керак бўлган ҳар нарсани бериб қолиш керак.  
45. Дунё – олимнинг қийматсиз ўйинчоғи, аҳмоқнинг эса қийматли аргимчоғи.  
46. Бир инсоннинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, у билан бирга ўтириб-турган дўстларига қара.  
47. Ўринсиз насихат, кишини яралайди.  
48. Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак; диққат, интизом ва ҳаракат.  
49. Дардли одамнинг беқарорликлар ва туманларга тўла бир уйи бор. Дардини эшитсанг, уйига бир дераза очган бўласан.  
50. Қўшниларига тузоқ қуриш, арслонларга ярашмайди.  
51. Аллоҳ учун гулханга туширилиш бордир, лекин гулханга отилмасдан Иброҳимдекмисан ёки йўқми шуни аниқлаб ол. Чунки гулхан Иброҳимларни билади ва уларни ёқмайди.  
52. Бутун дунёни қидириб, гўзал хулқдан кўра яхшироқ лаёқатни топмадим.  
53. Қалб ойнасининг соф бўлиши, хунукдан гўзални ажарата олиши учун керак.  
54. Сухбат борки, кескир қиличга ўхшар, бўстонни, экинни кесиб бичар. Сухбат борки, баҳорга ўхшар, ҳар томонни яшнатиб, сон-саноксиз мевалар тугар.  
55. Сени дўстингдан айирадиган сўзга қулоқ солма. У сўзда зиён бордир, зиён!

Туркия ўзини ҳафа қилдириб қўймайди. Бу давлатнинг Мария Захарованинг сўзларига берган жавоби бунга яхши намунадир.

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Танжу Билгич томонидан Россия Федерацияси ташқи сиёсат идораси матбуот котиби Мария Захарованинг сўзларига изоҳ билдирилган.

Маҳаллий “Онадўли” агентлиги хабар беришича: “Биз учун, яқин вақтгача бир том остида бўлиб, аммо ҳозирда ўзларининг шу собиқ иттифоқчилари билан очиқ ёки билвосита уруш олиб бораётганларнинг. Қўшни давлатларнинг худудий яхлитлигини хурмат қилмай, XXI-асрда бегона худудга босқинчилик қилиб ва у ерда камчиликка нисбатан мунтазам равишда босим уюштирадиганларнинг. Ўз ички муаммоларини ташқи сиёсий соҳадаги ўйинлари билан беркитувчиларнинг сўзлари ҳеч қандай қийматга эга эмас.”- деган Танжу Билгич.

Билгичнинг баёнотида кўра, Захарованинг ушбу ҳаракатлари, Россия пропагандасининг яққол намунаси. Шунинг учун, унинг сўзлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Хусусан Захарованинг “Известия” газетасида чоп этилган Туркияга қарши ҳужумлари эътибор



## Туркия Ташқи ишлар вазирлигининг тарих ҳақида сўз очган Захаровага жавоби

қаратишга арзимамайди.

“Туркияга Усмонли Империясининг тугаганлиги ҳақида эслатаётганлар, аввало ўзларининг ҳозирги ҳолатларини олдингиси билан таққослаб кўришлари лозим. СССР фуқароси бўлиб туғилганлар ҳозирда Россия фуқаролари. XX-аср давомида 3 мартаба давлатчилигини ўзгартирган

мамлакат вакилларининг давлатчилик тугатилиши мавзуси бўйича бошқаларни ўқитишга уринишлари жудаям ғалати”,- деб таъкидлаган Билгич.

“Туркия республикаси 1923 йилдан буён мағрур, тинчликсевар ва дўстона сиёсат олиб бормоқда”,- дейди Туркия ТИВ вакили.

ЎХХ хабарлар бўлими

## Жуковскийга нисбатан аввал чиқарилган ҳукм ўз кучида қолдирилди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Швециядаги маҳкама ўзбекистонлик таниқли имом Обид қори Назаров жонига қасд қилишда айбланган Юрий Жуковскийга нисбатан аввал чиқарилган бир умрлик қамоқ жазосини ўз кучида қолдирди.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралда Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагидан отиб кетилганди.

37 ёшли Жуковский қотилликда гумонланиб, ўтган йил Россиядан Швецияга экстрадиция қилинган эди.

Назаров шу кунгача касалхонада кома ҳолатида қолмоқда. Жуковский ўзига қўйилган айбни тан олмасдан келади. Бироқ у судда ҳамма нарсани очиқча гапира олмаслигини эътироф этган.

Ўзбекистон фуқароси бўлган Юрий Жуковский ўтган йилнинг 25 августда Россиядан Швецияга экстрадиция қилинган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

## «Камбағални урма-сўкма... уйини сот!»

Рассом Элсеварнинг Eltuz.com нашри орқали чоп этган бугунги расми, Ўзбекистонда қашшоқлар ва бойлар орасидаги тафовутнинг кескин орта бошлагани ҳақида.

Бугун Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларида камбағалларнинг мункайган кулбаси ёнида қад кўтарган мухташам қасрларни кўриш мумкин.

Албатта, аксарият амалдорлар камбағал маҳаллада яшашни истамайди, камбағал кўшнисини даф қилишнинг йўлини излайди, камбағал кўшнининг эса на амалдорнинг дағдағасини эшитишга, на катта уй ҳаражатларини кўтаришга ҳоли йўқ.

Кейинги пайтда, бу ҳолат ортидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пропискасиз инсонлар ва уларни ишга олган мансабдор шахсларни жаримага тортиш кучайтирилмоқда. Катта мулк эгаларининг суд приставини ёллашга пуллари ҳам бор. Бўшаган кўшнининг ерида яна бир қаср солиш учун нималар ўйлаб топиш мумкин эмас бу юртда...

Рассом Элсевар  
Манба: Eltuz.com

## Тошкент трамвайининг 115 йиллик тарихига нуқта қўйилди

2 май кuni Тошкентда ҳаракатланаётган сўнгги трамвай йўналиши — “Бешқайрағоч” даҳаси ва Ипподром ўртасида қатновчи 17-йўналиш ёпилди, бу ҳақда “Газета.уз” интернет агентлиги хабар беради. Шу кун эрталаб трамвайлар қатновга чиқди, аммо вагонлардан бири релсдан чиқиб кетгач, барча ҳайдовчилар депога қайтиш ҳақида кўрсатма олди. 9: 10 да депога сўнгги вагон кирди ва шу тариқа, Тошкент трамвайининг 115 йиллик тарихига нуқта қўйилди.

“Тошкент трамвайи” Ўзбекистон пойтахтида трамвай ҳаракати тўхтатилганини тасдиқлади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳридаги 9 ва 13-трамвай йўналишларининг қатнови 22-апрелдан бутунлай тўхтатилди. 17 ва 8-трамвайлар қатнови эса тахминан 1 июнга қадар давом этиши кутилади эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов